

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

С.Р.Сиддиқов – ТошДШИ магистранти

Аннотатция

Мақолада МДҲ мамлакатларининг инновацион ривожланиш ва ҳамкорлик масалалари ёртиб берилган.

Алоҳида бир мамлакатнинг илмий ва инновация салоҳияти фундаментал тадқиқотлар базаси ва уни амалий ҳаётга тадбиқ этиш механизми ва имкониятлари билан белгиланади. МДҲ мамлакатларининг илмий ва инновация салоҳияти нисбатан юқори бўлиб, мазкур салоҳият кўп йиллар давомида олий таълим муассасалари, илмий текшириш институтлари, амалий тадқиқотлар олиб боровчи марказларда шаклланган кадрлар ва эришилган фан-техника ва ютуқларини ўзида қамраб олади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни МДҲ мамлакатлари илмий ва инновация салоҳиятига бирмунча салбий таъсир кўрсатди. Молиялаштириш имкониятларининг чекланганлиги сабабли кўп йиллар давомида шакллантирилган илмий база кучсизланиб қолди, соҳадан малакали кадрларнинг кетиб қолиш жараёнлари тезлашди. Бироқ, 2000 йиллардан кейинги даврда МДҲ мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви натижасида минтақа мамлакатларида илм-фанга, инновация жараёнларига эътибор яна кучайди. Мамлакатлар илм-фан ва инновация соҳаларини ривожланмайтириб туриб рақобатбардош иқтисодиёт яратиб бўлмаслигини тушуниб ета бошлашди. Натижада, кейинги йилларда МДҲ мамлакатларида фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш кучайди. Шунингдек, тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жадал суръатларда ахборот ва телекоммуникация, физика, химия, нанотехнологияларда олдинга силжишларга эришилди.

Албатта, кейинги йилларда илмий ва инновация салоҳиятини МДҲ мамлакатларида амалга оширишдаги ютуқлар аҳамиятли бўлсада, бироқ, ривожланган мамлакатлар билан таққослаганда орадаги фарқ юқорилигича сақланиб қолинмоқда. МДҲ мамлакатларининг ҳанузгача юқори технологик ва илмий соҳаларда ривожланган мамлакатларга боғлиқлиги сақланиб турибди.

МДҲ мамлакатларининг асариятида илмий-техника ва тажриба конструкторлик ишларига сарфланган харажатларнинг ЯИМдаги улуши паст кўрсаткичларга эга ва 0,4 фоиздан ошмайди. Бу эса 2-4 фоиздан юқори кўрсаткичларга эга ривожланган мамлакатларга нисбатан анча пастдир. Албатта, Россия ва Украинада бу кўрсаткич қолган МДҲ мамлакатларига нисбатан юқорироқ (мувофиқ равишда 1,2 ва 0,9 фоиз), аммо бу қониқарли ҳолат эмас.

Мамлакатнинг илмий-техника тараққиёти унинг илмий салоҳияти, ундан самарали фойдаланиш, биринчи навбатта етакчи йўналишларда, илмий-техника фаолиятининг рақобатбардош соҳаларда концентрациялашувига боғлиқ бўлади. МДХ мамлакатларида уларга ресурслар ва энергияни тежаш, ядровий технологиялар, биотехнология, хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг физик ва кимёвий асослари киради.

Фундаментал фанлардан фарқли ўлароқ бу йўналишлар ривожланган мамлакатларга нисбатан миллий иқтисодиётларда ўсиш суръатларини тезроқ таъминлайди.

Инновацион мамлакатлардан фарқли аксарият МДХ мамлакатларида илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда давлат бюджетидан қилинган харажатлар юқори кўрсаткичга эга. Беларус, Қозоғистон, Молдова ва Украинада бюджетдан қилинган харажатлар айниқса юқори улушга эга. Қозоғистонда ушбу соҳани молиялаштиришда илмий-тадқиқот муассасаларининг шахсий маблағлари юқори (17 фоиз) улушга эга бўлган.

Сўнгги йилларда илмий-техника ишланмалари доирасида ускуналарнинг модернизация жараёни нисбатан суст олиб борилган. 2010 йилда капитал харажатлар тадқиқотларга қилинган жами ички харажатларнинг 1,5-6,5 фоизини ташкил этган. Машина, ускуналар нархининг улуши жами илмий-текширишнинг асосий воситаларига қийматига нисбатан 22 фоиздан (Украина) 56 фоизгача (Қозоғистон) бўлган кўрсаткичларга эга.

Сўнгги йилларда МДХ мамлакатларида илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган 40 ёшдан ошмаган мутахассисларнинг сони ортиб бормоқда. Бу албатта кадрларнинг ёшаришидан далолат беради ва истикболда ўз самарасини беради. Айна пайтда 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган мутахассисларнинг сони камайди ва 60 ёшдан юқори бўлган мутахассисларнинг сони ошди.

Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар соҳасига ёш мутахассисларни жалб этиш учун бу соҳада тўланадиган иш ҳақини ошириш лозим.

МДХ мамлакатларида илмий тадқиқотлар ва ишланмалар соҳасида бериладиган иш ҳақи ривожланган мамлакатларга нисбатан анча паст. Шу билан бирга бошқа соҳалар, айниқса молия соҳасида банд бўлганларга нисбатан тадқиқотчиларнинг иш ҳақи паст кўрсаткичларга эга, аммо бошқа соҳалардаги ва ўртача иш ҳақидан юқори.

Бу албатта МДХ мамлакатларида миллий иқтисодиётларни инновацион ривожланишига урғу бериб олиб борилаётган сиёсатнинг натижасидир.

Мамлакатнинг инновацион ривожланишида кичик бизнеснинг аҳамияти юқоридир. МДХ мамлакатларида ҳозирга қадар кичик бизнеснинг илмий тадқиқотлардаги улуши нисбатан паст кўрсаткичларга эга. Мисол учун Россияда ушбу соҳада кичик бизнес корхоналарининг сони 12200 атрофида бўлса, бошқа МДХ мамлакатларида, хусусан Қирғизистонда бундай корхоналарнинг сони 35 та, Тожикистонда – 33 та, Арманистонда – 42 та.

Олинган даромадлар ҳам шунга мувофиқ солиштириб бўлмас даражада фарқланади. Россияда илмий тадқиқотдан олинган даромад 3 млрд. долл.ни ташкил этган холда Украинада – 400 млн. долл, Тожикистонда - 20,833 минг АҚШ долл.

Бир қатор МДХ мамлакатларида инновацион инфратузилманинг асосий элементлари ташкил этилган. Буларга қуйидагиларни ажратиш мумкин: технопарклар, инновацион-технологик марказлар, технологиялар трансферти марказлари ва бошқалар.

Бундан ташқари МДХ мамлакатларининг аксариятида стандартлаштириш бўйича миллий қонунчилик ўзгарди. Миллий стандартлар ихтиёрий бўлди, хавфсизлик ва атроф муҳитни сақлаш меъёрлари эса мажбурий техника регламентлари орқали белгиланмоқда. МДХ мамлакатларнинг техникавий тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитациялаш соҳасидаги ҳамкорлиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

- миллий техника регламентларини уйғунлаштириш тартибини келишиш ва механизмини яратиш;
- мамлакатлараро стандартлар фондини янгилаш ва халқаро, европа стандартлари билан уйғунлаштириш бўйича ҳаракатларни координациялаштириш;
- норматив ҳужжатларнинг электрон шаклини яратиш ва фойдаланиш;
- ИСО 9000 халқаро стандартлари талабларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимини сертификатлаштириш орқали маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш;
- МДХ мамлакатлари бозорларига чиқиш имконини берадиган ягона белгидан фойдаланиш.